28 мартда Тошкентда партия ва совет кадрларини қайта тайёрлаш республикалараро курслари тингловчиларининг навбатдаги группасида машғулотлар бошланди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон қишлоқ район партия комитетларининг иккинчи секретарлари, шунингдек шу республикалар Компартиялари область ва Марказий Комитетлари ташкилий-партиявий ишлар бўлимлари ва қишлоқ хўжалиги бўлимларининг инструкторлари ҳамда бўлим мудирларининг ўринбосарлари ўқишга киришдилар.

Машғулотларнинг биринчи кунида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов тингловчилар ҳузурида сўзлади. Сўнгра КПСС ривожланишининг қонуниятлари ва коммунистик қурилишда унинг роли ўсиб бораётганлиги тўғрисида лекция ўқилди.

ларини муҳокама қилди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов доклад қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р .Рашидов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

28 мартда Ўзбекистон Журналистлар Союзи правлениесининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари СССР журналистлари III съездининг якунларини ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан республика матбуоти, телевидениеси ва радиоси ходимларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Журналистлар Союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев доклад қилди.

Пленумда СССР Журналистлар Союзининг секретари В. А. Архангельский нутқ сўзлади.

Қабул қилинган қарорда журналистларнинг шонли юбилейга тайёргарлигини, ленинча миллий сиёсат муваффақиятларини, бу сиёсатнинг халқаро аҳамиятини кенг ёритиш соҳасидаги фаолиятини кучайтириш тадбирлари белгиланди.

(ЎзТАГ).

Иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тараққиёт даражасининг тенглашиб, юксалиб бораётганлиги СССРдаги барча республикаларнинг тез ва ҳар томонлама тараққиётининг муҳим омили бўлди. Совет давлатидаги барча миллат ва барча элатларнинг бунёдкорлик ғайрати, ижодий қобилият ва талантлари қардошлик оиласида мисли кўрилмаган даражада тўлиқ рўёбга чиқди.

РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР, Эстония ССР ўзларининг бузилмас иттифоқининг 50 йиллигини куч-қуввати барқ уриб турган шароитда кутиб олмоқдалар. Мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат коммунистик жамиятни барпо этиш учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Совет кишиси ана шу миллат ва элатларнинг қай бирига мансублигидан қатъий назар, аввало, Совет Социалистик Республикалари буюк иттифоқининг граждани эканлиги билан фахрланади».

(«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» КПСС МК қарори»дан).

(Бу саҳифани газетамиз активи, таниқли журналист Рустам АБДУРАҲМОНОВ уюштирган).